

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК МАХМУД МИРЗАЕВ НОМИДАГИ БОҒДОРЧИЛИК,
УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ПУЛАТОВ АЗИЗЖОН АЛЛАЁР ЎҒЛИ

**НОК БОҒЛАРИДА ЗАМБУРУҒ ҚЎЗГАТАДИГАН КАСАЛЛИКЛАР ВА
УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси авторефератининг мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy(PhD)
on agricultural sciences**

Пулатов Азизжон Аллаёр Ўғли

Нок боғларида замбуруғ кўзгатадиган касалликлар ва уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш..... 3

Пулатов Азизжон Аллаёр Уғли

Разработка мер борьбы с возбудителями грибковых болезней в грушевых садах..... 21

Pulatov Azizjon Allayor Ugli

Development of fungal diseases in pear orchards and measures to combat them..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК МАХМУД МИРЗАЕВ НОМИДАГИ БОҒДОРЧИЛИК,
УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ПУЛАТОВ АЗИЗЖОН АЛЛАЁР ЎҒЛИ

**НОҚ БОҒЛАРИДА ЗАМБУРУҒ ҚЎЗҒАТАДИГАН КАСАЛЛИКЛАР ВА
УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.3.PhD/Qx1219 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа докторлик диссертацияси академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.psuyaiti.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Умаров Зафар Абдишукурович,
қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), катта илмий ходим.

Расмий оппонентлар:

Шукуров Хушвақт Мамасалиевич,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Хўжаев Отабек Темирович,
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим.

Етакчи ташкилот:

Ўсимликлар карантини ва химояси илмий-тадқиқот институти.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси химояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 рақамли Илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгашнинг «___» _____ 2024 йил соат ___ - ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника м.ф.й, ЎзПТИТИ кўчаси. ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37; e-mail: пахтауз@mail.ru.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ ___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника м.ф.й, ЎзПТИТИ кўчаси. ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37; e-mail: пахтауз@mail.ru.

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2024 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси.)

Ш.Н.Нурматов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор.

Ф.М.Хасанова,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.н., профессор.

Ж.Ҳ.Ахмедов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д. профессор.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнгги йилларда дунё аҳолисининг тобора ортиб боришига мос равишда озиқ-овқатга, хусусан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб ҳам кучаймоқда. Бунинг натижасида турли қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш, уларнинг кўламани ошириш ҳамда мева ва сабзавотлар билан доимий таъминлаш бугунги даврнинг муҳим талабига айланди. ФАО маълумотларига кўра, бугунги кунда дунё бўйича 1,42 млн. гектар майдонда нок плантациялари мавжуд бўлиб, ўрта ҳисобда ҳар йили 26,3 млн. тоннагача нок мевалари етиштирилади¹. Мазкур нок плантацияларига замбуруғли касалликлар катта иқтисодий зарар етказмоқда ва ҳосилнинг сифатини миқдори пасайиб кетмоқда. Бугунги кунда нок боғлари касалликларининг зарарини камайтириш, офатнинг тарқалиши ва ривожланишини ҳисобга олиб, касалликларга қарши курашишнинг илғор ресурстежамкор усулларини қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда нок етиштирувчи кўплаб мамлакатларда асосан калмараз (*Venturia pyrina*), ун-шудринг (*Podosphaera leucotricha*) ва монилиоз (*Monilinia fructigena*) каби касалликлар кенг тарқалиб, ушбу касалликларга қарши ўз вақтида кураш чораларини ишлаб чиқиш зарурати юзага келмоқда. Бу борада кўплаб мамлакатларда нок боғларининг асосий замбуруғли касалликларини аниқлаш, уларнинг тарқалиши, ривожланиши ва биоэкологик хусусиятларини ўрганиш ҳамда қарши кураш чораларини ишлаб чиқишга доир илмий изланишлар олиб борилмоқда. Айнан нок боғларида комплекс зарар келтирувчи калмараз (*V. pyrina*), ун-шудринг (*P. leucotricha*) ва монилиоз (*M. fructigena*) каби касалликларга қарши самарали кураш чораларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони ҳамда 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги² фармонларида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг стратегияси ишлаб чиқилган. Ушбу стратегияларда қишлоқ хўжалиги экинларини касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш, миллий карантин ва ўсимликларни ҳимоя қилиш тизимини Жаҳон савдо ташкилотининг санитария ва фитосанитария чоралари бўйича келишуви талабларига мослаштириш; ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича халқаро конвенция ва бошқа халқаро стандартларга мувофиқ пестицидларни ва пестицидларнинг рухсат этилган максимал миқдорларини (MRL) рўйхатга олиш каби топшириқлар белгилаб берилган.

¹ <https://www.fao.org/faostat/en/#data/QCL/visualize>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ва Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 6 мартдаги «Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини синовдан ўтказиш ҳамда рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги ВМ-115-сон қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Нок боғларининг касалликлари бир қатор хорижий олимлар томонидан ўрганилган бўлиб, уларга қарши кураш чораларини яратиш бўйича Европада J.Postman, R.Spotts, E.Shabi, L.Batra, A.De Cal, Ch.Stehmann, J.Meldrum ва M.Chevalier, Америкада A.Jones, K.Elfar, E.Akif ва H.Aldwinkle, Осиёда A.Mizuno, K.Abe, Y.Sato, H.Yanase, P.Zhao ва M.Kakishima ҳамда республикамизда О.Хўжаев, А.Марупов, Ф.Бойжигитов ва З.Умаров каби олимлар илмий изланишлар олиб боришган.

Шунга қарамай бугунги кунгача республикамизда етиштирилаётган нок боғларида учрайдиган касалликлар ва уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар етарлича олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти мавзу режасига мувофиқ “Нок боғларида замбуруғ кўзғатадиган касалликлар ва уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш” (2020-2023 йй.) ва А-КХ-2021-462 “Маҳаллий селекциясига мансуб нокнинг “Зухра” навини тиклаш ва унинг кўчатчилиги асосида кўрғазмали оналик боғларини яратиш” (2021-2022 йй.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади нок боғларида замбуруғлар кўзғатувчи асосий касалликлар тур таркиби, биоэкологик хусусиятлари, тарқалиши, ривожланиши, яшовчанлиги ва физиологик жараёнларини ўрганиш ҳамда уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Республикамизнинг Тошкент, Жиззах ва Самарқанд вилоятлари шароитида нок боғларида замбуруғлар кўзғатувчи асосий касалликлар тур таркибини аниқлаш;

калмараз (*V. Pyrina*) ва монилиоз (*M. fructigena*) замбуруғ турларини полимераза занжир реакцияси усулида диагностика қилиш;

нок боғларида замбуруғ кўзғатадиган касалликларнинг биоэкологик хусусиятлари, тарқалиши, ривожланиши ва зарарини ўрганиш;

касаллик кўзгатувчи замбуруғларнинг турли шароитларда ривожланиши ҳамда яшовчанлигини аниқлаш;

нок дарахтадаги макро ва микроэлементлар ҳамда барг пигментлари миқдорига касаллик кўзгатувчи замбуруғларнинг таъсирини аниқлаш;

нок боғларидаги касалликларга қарши курашда агротехник тадбирларнинг таъсирини ўрганиш;

нок боғлари касалликларга қарши кимёвий курашда турли фунгицидларнинг биологик самарадорлигини баҳолаш;

нок боғларида замбуруғлар кўзгатадиган асосий касалликларга қарши кимёвий курашнинг биологик, хўжалик ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент, Жиззах ва Самарқанд вилоятларидаги нок боғлари, нок навлари, калмараз (*V. pyrina*), ун-шудринг (*P. leucotricha*) ва монилиоиз (*M. fructigena*) касалликларини кўзгатувчи замбуруғлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети нок боғларида касалликларни тарқалиши, ривожланиши, зарари, нокнинг физиологик жараёнлари, ҳосилдорлиги ва фунгицидларнинг биологик самарадорлиги.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар микология ва қишлоқ хўжалиги фитопатологиясида умумқабул қилинган усуллар асосида бажарилди. Нок боғларида касалликларни кўзгатувчи замбуруғларнинг тур таркиби, биоэкологик хусусиятларини “Методические указания по экспериментальному изучению фитопатогенных грибов” усуллари асосида, касалликларни кўзгатувчи замбуруғларга қарши турли фунгицидларнинг таъсирини Д.М.Кохабидзе ва бошқалар; касалликлар билан зарарланиш ва касалликнинг ривожланиши К.М.Степанов, А.Е.Чумаков; А.Е.Чумаков ва И.И.Минкевич услублари асосида олиб борилди. Қарши кураш чораларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда “Инсектицид, акарицид, биологик фаол моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий қўлланмалар”дан фойдаланилди. Маълумотлар Б.А.Доспехов услуби бўйича дисперсион таҳлил қилинди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Тошкент, Жиззах ва Самарқанд вилоятлари шароитида нок боғларида замбуруғлар келтириб чиқарувчи асосий касалликлар молекуляр-генетик усулда *Venturia pyrina* ва *Monilinia fructigena* аниқланган;

Тошкент вилояти шароитида нок боғларида калмараз касаллиги 17,3%, ун-шудринг касаллиги 13,0% ва монилиоиз касаллиги 26,3%, Жиззах вилояти шароитида калмараз касаллиги 21,7%, ун-шудринг касаллиги 16,2% ва монилиоиз касаллиги 27,4% ҳамда Самарқанд вилояти шароитида калмараз касаллиги 37,4%, ун-шудринг 16,7% ва монилиоиз касаллиги 29,0% гача тарқалиши аниқланган;

калмараз касаллиги билан нокнинг Санта мария нави энг кам зарарланиб 15,7%, Ҳосуи нави 12,7%, ун-шудринг касаллиги билан Любимица клаппа нави 8,7%, Дюшес нави 9,7% ва Пасскрасана нави 10,3%, монилиоиз касаллиги билан Ниджиссейки нави 16,0% ни ташкил этиб, бошқа навларга

нисбатан чидамли нав деб баҳоланган;

касаллик кўзғатувчи *V. pyrina* (18 – 24°C) ва *M. fructigena* (22 – 26°C) замбуруғлари ривожланиши учун мақбул ҳарорат 18 – 26°C эканлиги ҳамда нок дарахтининг касалланган барг ва мевалари 30 см тупроқ остида 100 кун сақланганда замбуруғларнинг мицелий ва споралари нобуд бўлиши кузатилган;

нок дарахтининг касалланган барг ва новдаларида микроэлементлардан Fe – 31,3, Zn – 4,8, Mn – 64,0 ва Cu – 5,3 баробар камайган бўлса, нок дарахти баргларидаги хлорофилл-а пигменти 1,024 мг/г ва хлорофилл-в пигменти 2,65 мг/г йўқотилиши аниқланган;

нок боғлари қатор ораларини кузда 30 см чуқурликда шудгор қилиш, дарахтларга эрта баҳорда шакл бериш ва минерал ўғитлар билан N₁₂₀P₆₀K₄₀ меъёрида озиклантириш калмараз касаллигини 14,7%, ун-шудринг касаллигини 20,3% ва монилиоз касаллигини 21,7% камайишига олиб келган;

нок боғларида замбуруғли касалликларига қарши Heritage 30% эм.к., Страж 50% сус.к., Дифен супер 55% н.кук., Best Captan 50 WP 50% н.кук., Фундазол 50% н.кук. ва Applore 25 EC 25% эм.к. фунгицидлари қўлланилганда калмараз касаллигида 92,1%, ун-шудринг касаллигида 94,5% гача ва монилиоз касаллигида 91,7% биологик самарадорликка эришиш имконини берган, натижада гектаридан 36,0 – 45,0 ц мева ҳосили сақлаб қолинган ҳамда 60,1 – 68,7 млн. сўм соф даромад олиниб, 99,3 – 106,8% рентабелликка эришилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

нок боғларидан юқори ва сифатли ҳосил олишда замбуруғлар кўзғатадиган калмараз, ун-шудринг ва монилиоз касалликларига қарши агротехник тадбирлар ҳамда фунгицидларни мақбул сарф-меъёрларда қўллаш ишлаб чиқилган;

жумладан, боғ қатор ораларини кузда 30 см чуқурликда шудгор қилиш, дарахтларга эрта баҳорда шакл бериш ва минерал ўғитлар N₁₂₀P₆₀K₄₀ меъёрида озиклантириш орқали, калмараз касаллиги – 14,7%, ун-шудринг касаллиги – 20,3% ва монилиоз касаллиги – 21,7% камайган;

нок боғларида калмараз, ун-шудринг ва монилиоз касалликларини келтириб чиқарувчи замбуруғларга қарши Heritage 30% эм.к. (0,3 л/га), Страж 50% сус.к. (0,6 л/га), Дифен супер 55% н.кук. (0,25 кг/га), Арамис 380 г/кг с.д.г.(0,8 кг/га), Best Captan 50 WP 50% н.кук. (3,0 кг/га), Trailer 50% с.д.г. (0,15 кг/га), Фундазол 50% н.кук. (2,0 кг/га) ва Applore 25 EC 25% эм.к. (0,2 л/га) фунгицидлари қўлланилганда, гектаридан 36,0 – 45,0 ц/га қўшимча мева ҳосил олинган ва 99,3 – 106,8% рентабелликка эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотлар ўсимликларни ҳимоя қилишда умумқабул қилинган услублар асосида бажарилганлиги, маҳаллий ва хорижий давлатлар тадқиқотлари билан солиштирилганлиги, олинган натижалар назарий, илмий ва амалий жиҳатдан бир-бирига мос келганлиги, лаборатория таҳлил қилинганлиги, тўпланган маълумотлар асосида тайёрланган ҳисоботлар институт илмий кенгашида муҳокама этилиб, олинган натижалар Республика ва халқаро илмий-амалий

конференцияларда ҳамда илмий нашрларида чоп этилганлиги ва тадқиқот натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти нок боғларида *V. pyrina* ва *M. fructigena* замбуруғлари молекуляр-генетик усул билан аниқлангани, тарқалиши, ривожланиши, яшовчанлиги ва зарари, нок дарахти барг ва новдаларида макро ва микроэлементлар ҳамда баргларидаги фотосинтетик пигментларга таъсири, касаллик кўзғатувчи замбуруғларга қарши фунгицидларнинг биологик самарадорлиги баҳоланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти нок боғларида замбуруғ кўзғатадиган касалликларга қарши шудгор қилиш (30 см), дарахтларга шакл бериш ва минерал ўғитлар ($N_{120}P_{60}K_{40}$) билан озиклантириш, Heritage 30% эм.к. (0,3 л/га), Страж 50% сус.к. (0,6 л/га), Дифен супер 55% н.кук.(0,25 кг/га), Арамис 380 г/кг с.д.г.(0,8 кг/га), Best Captan 50 WP 50% н.кук. (3,0 кг/га), Trailer 50% с.д.г. (0,15 кг/га), Фундазол 50% н.кук. (2,0 кг/га), Applore 25 EC 25% эм.к. (0,2 л/га) фунгицидларини қўллаш орқали юқори ва сифатли мева ҳосили олингани ва иқтисодий самарадорлик ортгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Нок боғларида замбуруғлар кўзғатадиган касалликларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш бўйича ўтказилган илмий-тадқиқот натижалари асосида “Нок боғларини замбуруғли касалликлардан ҳимоя қилиш” номли тавсиянома тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 27 майдаги 05/06-03-170-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома боғдорчилик фермер, деҳқон хўжаликлари ва агрокластерлар учун қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда;

нок боғларида калмараз, ун-шудринг ва монилиоз касалликларига қарши Дифен супер 55% н.кук. (0,25 кг/га), Best Captan 50 WP 50% н.кук. (3,0 кг/га), Фундазол 50% н.кук. (2,0 кг/га) ва Applore 25 EC 25% эм.к. (0,2 л/га) фунгицидларини қўллаш Тошкент вилояти Паркент тумани “Агро Elite Parkent” МЧЖда 11 га майдонга жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 27 майдаги 05/06-03-170-сон маълумотномаси). Натижада, калмараз касаллигига қарши 90,0-91,4%, ун-шудринг касаллигига қарши 90,6-92,4% ва монилиоз касаллигига қарши 88,0-92,0% биологик самарадорликка эришилган;

нок боғларидаги касалликларга қарши Heritage 30% эм.к. (0,3 л/га), Trailer 50% с.д.г. (0,15 кг/га), Страж 50% сус.к. (0,6 л/га), Арамис 380 г/кг с.д.г. (0,8 кг/га) ва Applore 25 EC 25% эм.к. (0,2 л/га) фунгицидларини қўллаш Сирдарё вилояти, Сирдарё тумани “Амир Темур” ф/х 7,5 га ва Гулистон тумани “Сарварбек Ҳамкор” ф/х 5,0 га, Самарқанд вилояти Чархин илмий-тажриба станциясида 4 га, жами 16,5 га майдонда жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 27 майдаги 05/06-03-170-сон маълумотномаси). Натижада, калмараз касаллигига қарши 86,0-92,0%, ун-шудринг касаллигига қарши 88,0-92,6% ва монилиоз касаллигига қарши 87,1-89,5% биологик самарадорликка эришилган ҳамда 131 – 140 ц/га мева ҳосил олинган ва қўшимча 45 ц/га ҳосил етиштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала тажрибалари ҳар йили Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (ҚХБИММ) ва Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти томонидан тузилган махсус комиссия томонидан кўриқдан ўтказилган. Йиллик ҳисоботлар институтнинг илмий-техник кенгашида муҳокама қилинган ҳамда 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида маърузалар билан қатнашилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация иши бўйича жами 9 та илмий мақолалар чоп этилган бўлиб, шулардан илмий нашрларда 3 мақола, жумладан 2 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда, халқаро ва республика миқёсида конференциялар тўпламларида 5 та мақола ва тезислар ҳамда 1 та тавсиянома нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация ишининг лойиҳа доирасида бажарилганлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатиб ўтилган, тадқиқот ишларининг илмий янгилиги ва амалий натижалари очиб берилган, натижаларни амалиётга жорий этиш, нашр қилинган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақидаги маълумотлар келтириб ўтилган.

Диссертациянинг **“Нок боғларининг биологик хусусиятлари, касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари (адабиётлар шарҳи)”** деб номланган биринчи бобида нок боғларида замбуруғ кўзгатадиган касалликлар, уларни кўзгатадиган замбуруғларнинг тур таркиби, биоэкологияси, тарқалиши, ривожланиши, зарари ва уларга қарши кураш чоралари бўйича республикамиз ва хорижда ўтказилган тадқиқотлар шарҳи қиёсий таққосланган. Илмий адабиётларни таҳлил қилиш давомида чет эл олимлари томонидан нок боғлари касалликларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар амалга оширилганлиги, бироқ нок боғлари касалликларини ўрганишга доир илмий тадқиқотлар республикамизда етарлича олиб борилмаганлиги аниқланган. Республикамиз шароитида нок боғларида учрайдиган асосий замбуруғ кўзгатадиган касалликлар тур таркибини аниқлаш, биоэкологик хусусиятларини ўрганиш, уларга қарши самарали кураш чораларини ишлаб чиқиш ва ушбу йўналишда илмий тадқиқотлар ўтказиш муҳимлиги хулоса қилинган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказиш шароити ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар ўтказиш жойи, тупроқ иқлим шароити, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалардаги ишларни бажаришда


лаборатория ва дала тажрибаларини ўтказиш бўйича услублар, тадқиқотларда қўлланилган фунгицидларнинг тавсифи, кузатувлар олиб борилган нок навларининг қисқача таснифи ҳамда тажриба далаларида ўтказилган агротадбирлар баён этилган.

Дала тажрибалари 2020 – 2023 йилларда Тошкент вилояти Паркент тумани «Agroelit Parkent» МСНЖ, Жиззах вилояти Ш.Рашидов тумани «Jizzax polimer plast» МСНЖ ва Жиззах илмий-тажриба станцияси ҳамда Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани Чархин илмий-тажриба станцияси нок боғларида олиб борилган.

Тадқиқотлар микология ва қишлоқ хўжалиги фитопатологиясида умум қабул қилинган усул ва услублар асосида олиб борилган ва олинган маълумотларнинг ишончлилиги умумқабул қилинган Б.А.Доспеховнинг кўп омилли услублари орқали дисперсион таҳлил қилинган.

Диссертациянинг “**Нок боғларида учрайдиган замбуруғли касалликларнинг биоэкологик хусусиятлари, тарқалиши, ривожланиши ва зарари**” деб номланган учинчи бобида **Тошкент, Жиззах ва Самарқанд вилоятлари** шароитида нок боғларида замбуруғлар келтириб чиқарувчи асосий касалликларни тур таркиби, *V. pyrina* ва *M. fructigena* патогенларини полимераза занжир реакцияси усулида диагностикаси, турли шароитларда тарқалиши, ривожланиши ва зарари ҳамда нок дарахтининг физиологик кўрсаткичларига таъсири бўйича батафсил маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотларда нок дарахтининг касалликлар билан касалланган барг, новда ва меваларидан сунъий (КГА, КДА) озуқа муҳитларда *V. pyrina* ва *M. fructigena* замбуруғ турлари ажратиб олиниб, уларни тур таркиби ва айрим белгиларини ўрганиш орқали, 3 та фитопатоген турларининг систематик ўрни аниқланган (1-расм).



1-расм. Касалликлар билан зарарланган нок барг ва мевалари, сунъий (КГА, КДА) озуқа муҳитларида кўпайтирилган замбуруғлар моноспора культуралари (*Лаборатория тадқиқотлари учун намуналар Тошкент, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида етиштириляётган нок боғларидан олиб келинган*).

Нок боғларида касаллик қўзғатувчи замбуруғлар 2 та синфга мансуб, 3 та тури асосий фитопатогенлар эканлиги ва *Venturiaceae* оиласига мансуб *V. pyrina*, *Erysiphaceae* оиласига мансуб *P. leucotricha* ва *Sclerotiniaceae*

оиласига мансуб *M. fructigena* турлари нок дарахтида касаллик келтириб чиқарувчи асосий замбуруғлар эканлиги қайд этилган (1-жадвал).

1-жадвал

Нок боғларида учрайдиган касаллик кўзгатувчи замбуруғлар ва уларнинг тур таркиби

(Академик М.Мирзаев номидаги БУВИТИ, лаборатория тажрибалари, 2021 й.)

Таксономик ўринлар	Касаллик номи		
	Калмараз	Ун шудринг	Монилиоз
Олам (дунё)	<i>Fungi</i>	<i>Fungi</i>	<i>Fungi</i>
Филум	<i>Ascomycota</i>	<i>Ascomycota</i>	<i>Ascomycota</i>
Синф	<i>Dothideomycetes</i>	<i>Leotiomycetes</i>	<i>Leotiomycetes</i>
Тартиб	<i>Pleosporales</i>	<i>Erysiphales</i>	<i>Helotiales</i>
Оила	<i>Venturiaceae</i>	<i>Erysiphaceae</i>	<i>Sclerotiniaceae</i>
Туркум	<i>Venturia</i>	<i>Podospaera</i>	<i>Monilinia</i>
Тур	<i>*Venturia pyrina</i>	<i>Podospaera</i>	<i>*Monilinia fructigena</i>
	<i>**Fusicladium pirinum</i>	<i>leucotracha</i>	<i>**Monilia fructigena</i>

Изоҳ: * - патогеннинг телеморфа шакли; ** - патогеннинг анаморфа шакли;



Нок боғларида касаллик келтириб чиқарувчи *V. pyrina* ва *M. fructigena* замбуруғлари молекуляр-генетик усуллар ёрдамида диагностика қилинган ва патогенлар ДНК ажратишда “Invitrogen” (Termo Fisher, AQSH) “PURELINK DNA MINI KIT” ва Platinum™ Hot Start PCR Master Mix (2X) PZR “Invitrogen” (Termo Fisher, AQSH) реагентларидан фойдаланилган.

ПЗР жараёнида Platinum™ Hot Start PCR Master Mix (2X) PZR реагент тўплами (ДНК полимераза, тузлар, магний ва dNTPларнинг фойдаланишига тайёр аралашмаси) ва Vpir F-GTCTGAGAACGAGTTAAAT; ITS4_R-TCCTCCGCTTATTGATATGC; MO-368-8R-AGATCAAACATCGTCCATCT ва MO-368-5-GCAAGGTGTCAAAACTTCCA праймерлардан фойдаланилиб, ПЗР термоциклик дастури асосида бошланғич денатурация босқичи 94⁰C 2 дақиқа 1 цикл; денатурация 94⁰C 30 дақиқа, ёниш (отжиг) 50⁰C ва 53⁰C да 30 секунд ва элонгация жараёни 72⁰C 1 дақиқа давомида босқичлар кетма-кет 35 цикл тартибида таҳлиллар олиб борилган.

Гель-электрофорез усулда геном ДНКни детекция қилишда 20 дақиқа мобайнида 120 вт электр токида, ПЗР махсулотининг нуклеотидлар сонини аниқлаш учун 90 дақиқа мобайнида 110 вт электр токида таҳлиллар амалга оширилган. ВК AG-100 гелтрансиллюминаторда олинган натижалар таҳлил қилиб кўрилганда *V. pyrina* замбуруғининг патогенлик хусусиятини келтириб чиқарувчи ген участкасида 450 жуфт ҳамда *M. fructigena* замбуруғида 402 жуфт нуклеотидлар кетма-кетлигидан иборат эканлиги аниқланган (2-расм).


Нок боғларида касалликларнинг тарқалиши бўйича кузатувлар олиб борилганда Тошкент вилояти шароитида калмараз касаллиги 12,0 – 17,3%, ун-шудринг касаллиги 10,0 – 16,1% ва монилиоз касаллиги 21,6 – 26,3%, Жиззах вилояти шароитида калмараз касаллиги 14,3 – 21,7%, ун-шудринг

касаллиги 13,0 – 16,2% ва монилиоз касаллиги 22,3 – 27,3% ҳамда Самарқанд вилояти шароитида калмараз касаллиги 10,3 – 37,4%, ун-шудринг 7,3 – 16,7%, ва монилиоз касаллиги 19,9 – 29,0% гача етганлиги аниқланган. Шунингдек, кузатувлар олиб борилган ҳудудларда калмараз касаллиги 3,6 – 14,4%, ун-шудринг касаллиги 3,0 – 8,1% ва монилиоз касаллиги 9,7 – 14,6% ривожланиши қайд этилган.




2-расм. *V. pyrina* ва *M. fructigena* замбуруғлари учун махсус Vpif F ва ITS4_R ҳамда MO 368-8R ва MO 368-5 R праймерлар билан ўтказилган ПЗР амплификация маҳсулотларининг электрофореграммаси (*M-1000* ж.н. молекуляр оғирлик маркери *N-1...-N-6* – касаллик билан зарарланган намуналар)


Республикаимиз шароитида экиб келинаётган нок навлари замбуруғли касалликларга чидамлилиги ўрганилиб, улардан калмараз касаллигига Санта мария (15,7%) ва Ҳосуи (12,7%), ун-шудринг касаллигига Любимица клаппа (8,7%), Дюшес (13,0%) ва Пасскрасана (10,3%) ҳамда монилиоз касаллигига Ниджиссейки (15,7%) навлари чидамли нав деб баҳоланган (3-4-5-расм).



3-расм



4-расм



5-расм

3-диаграмма. Нок навларини калмараз касаллиги билан касалланиши.


4-диаграмма. Нок навларини ун шудринг касаллиги билан касалланиши.

5-диаграмма. Нок навларини монилиоз касаллиги билан касалланиши.

(Дала тажрибалари, Жиззах вилояти, Жиззах илмий-тажриба станциясида амалга оширилган).

Нок боғларида касаллик келтириб чиқарувчи замбуруғларни турли ҳароратларда мицелийи ва сегментларининг ривожланиши ўрганилган. Бунинг учун нок дарахтининг касалликлар билан зарарланган барг, новда ва меваларидан намуналар ажратиб олиниб, Петри идишларида сунъий озуқа (КГА ва КДА) муҳитларига экилиб, нам камерага 5⁰С – 15⁰С; 16⁰С – 25⁰С ва 26⁰С – 35⁰С бўлган ҳароратларда, 70,0-95% нисбий намликда 14 кун мобайнида кузатувлар олиб борилган (6-расм).

Касаллик қўзғатувчи *V. pyrina* замбуруғи сегментлари картошка декстрозали агар озуқа муҳитида 5⁰С ҳароратда ўсиб, 18⁰С – 24⁰С гача ҳароратда патогеннинг мицелийи ва споралари ривожланиши учун қулай ҳарорат бўлганлиги, 30⁰С ҳароратда замбуруғ мицелийи ва споралари секин ривожланиб, 35⁰С ҳароратда ривожланишдан тўхтаганлиги аниқланган (2-жадвал).



6-расм. Турли ҳароратда касаллик қўзғатувчи замбуруғлар сегментларининг ривожланиши.

Монилиоз касаллигини қўзғатувчи *M. fructigena* замбуруғи сегментлари 22⁰С – 26⁰С ҳароратларда оптимал ривожланиб, 15⁰С – 20⁰С ҳароратларда ўртача даражада ўсганлиги, 10⁰С ва 12⁰С ҳароратларда кучсиз даражада ўсиб, 5⁰С ва 35⁰С ҳароратларда патоген сегментлари ўсмаганлиги кузатилган.

2-жадвал

Касаллик қўзғатувчи замбуруғларнинг ривожланишига турли ҳаво ҳароратининг таъсири

(Академик М.Мирзаев номидаги БУВИТИ, лаборатория тажрибалари, 2020-2023 йй.)

Касаллик қўзғатувчи замбуруғ тури	Ҳарорат + ⁰ С.												
	+5 ⁰ С – +15 ⁰ С				+16 ⁰ С – +25 ⁰ С				+26 ⁰ С – +35 ⁰ С				
	5	10	12	15	16	18	22	24	26	28	30	33	35
<i>V. pyrina</i>	+	++	++	++	++	+++	+++	+++	++	+	+	-	-
<i>M. fructigena</i>	-	+	+	++	++	++	+++	+++	+++	++	+	-	-

Изоҳ: Ушбу жадвалда патоген замбуруғ мицелийларнинг сунъий озуқа муҳитларида ва турли ҳароратларда ўсиши (мм) келтирилган.

Бунда: – ўсмади (0 мм); + - кучсиз (1-5 мм); ++ - ўртача (6-10 мм); +++ - кучли (10 мм дан юқори);

Нок боғларида касаллик келтириб чиқарувчи *V. pyrina* ва *M. fructigena* замбуруғларини турли шароитларда яшовчанлиги ўрганилган, бунда нок дарахтининг касалликлар билан касалланган барг, новда ва мевалари махсус сеткали копчаларда дала шароитида дарахтда, тупроқ устида ва тупроқости 30 см чуқурликда, 30 ва 100 кун муддатда сақлаб ҳамда Петри идишларида 7 хил фунгицидлар билан тўйинтирилган сунъий озуқа муҳитларига экиб тадқиқотлар олиб борилган.

Нок дарахтининг замбуруғли касалликлар билан касалланган аъзолари тупроқ остида 30 см чуқурликда 100 кун давомида сақланганда, барг ва меваларда *V. pyrina* ва *M. fructigena* замбуруғлари нобуд бўлиши, новдаларида монилиоз касаллигини кўзгатувчи замбуруғлар мицелий ва споралари сақланиб қолиши кузатилган (3-жадвал).

Фитопатогенларни турли асосли фунгицидлар муҳитида яшовчанлиги ўрганилганда, каламараз касаллигини кўзгатувчи замбуруғ дифеноконазол+тиаметоксам (0,2 кг/га), беномил (2,0 кг/га) ва дифеноконазол (0,2 л/га) ҳамда монилиоз касаллигини кўзгатувчи замбуруғ дифеноконазол+тиаметоксам (0,2 кг/га), каптан (3,0 кг/га) ва дифеноконазол (0,2 л/га) фунгицидларида мицелий ва сегментларининг ривожланмаслиги қайд этилган.

3-жадвал

Турли шароитларда касаллик кўзгатувчи замбуруғларнинг яшовчанлик даражаси

(Академик М.Мирзаев номидаги БУВИТИ, лаборатория тажрибалари, 2021 й.)


Т/р	Касаллик кўзгатувчиси	Ўсимлик аъзолари	Замбуруғларнинг қишлоғи формаларини турли шароитларда ривожланиши					
			30 кундан сўнг			100 кундан сўнг		
			*	**	***	*	**	***
1.	<i>V. pyrina</i>	барг	+	+	-	+	+	-
		мева	+	+	-	+	+	-
2.	<i>M. fructigena</i>	барг	+	+	-	+	+	-
		новда	+	+	+	+	+	+
		мева	+	+	-	+	+	-

Изоҳ: * - дарахтда; ** - тупроқ устида; *** - тупроқ остида, 30 см чуқурликда. + замбуруғ мицелийлари ўсди (8-10 мм); - замбуруғ мицелийлари ўсмади (0 мм).

Нок дарахтининг замбуруғли касалликлар билан касалланган ва соғлом барг ва новдаларида макро ва макроэлементларнинг миқдорий таҳлиллари олиб борилган, патогенлар билан касалланган барг ва новдалар соғлом

дарахтлардагига нисбатан макроэлементлардан К – 870,37 мг/кг, Са – 3950,2 мг/кг ва Na – 1079,58 мг/кг камайган бўлса, микроэлементлардан Fe – 31,3, Zn – 4,8, Mn – 64,0 ва Cu – 5,3 баробар йўқотилгани ва нокнинг физиологик жараёнлари ёмонлашиши кузатилган.

Нок дарахтининг калмараз ва монилиоиз касалликлари билан касалланиши натижасида хлорофилл-а пигментининг миқдори соғлом баргларга қараганда 1,024 мг/г ва хлорофилл-в пигментининг миқдори 2,65 мг/г гача камайиши аниқланган. Бунинг натижасида нок дарахтида органик моддаларнинг кам ҳосил бўлиши, ҳосилдорликнинг пасайиши ҳамда ривожланиш босқичлари ортда қолиши каби муҳим кўрсаткичлари ёмонлашгани қайд этилган (7-расм).



7-расм. А-қисман зарарланган барг; В-тўлиқ зарарланган барг; С-касаликлар билан зарарланмаган барг.

Диссертациянинг “**Нок боғлари касалликларига қарши кураш чоратадбирлари**” деб номланган тўртинчи бобида нок боғларида кенг тарқалган калмараз, ун шудринг ва монилиоиз касалликларига турли агротехник тадбирларнинг таъсири, фунгицидларнинг биологик самарадорлиги ва нок кўчатларида учрайдиган касалликларига қарши кураш бўйича маълумотлар келтириб ўтилган.

Жиззах илмий-тажриба станцияси нок боғларида кузда ерни 30 см чуқурликда шудгор қилиш, нок дарахтларига эрта баҳорда шакл бериш ва Бордо 3% суюқлиги билан ишловлар ўтказиш ҳамда минерал ўғитлар билан $N_{120}P_{60}K_{40}$ меъёрида озиклантириш агротадбирларини замбуруғ кўзгатадиган касалликларга таъсири ўрганилганда, калмараз касаллиги – 14,7%, ун-шудринг касаллиги – 20,3% ва монилиоиз касаллиги – 21,7% камайиши кузатилган. Шунингдек, юқоридаги агротехник тадбирларни сифатли ва ўз вақтида ўтказиш натижасида нок боғларидан 34,0 ц/га мева ҳосили касалликлардан сақлаб қолинган.

Тошкент вилояти шароитида нок боғларининг калмараз касаллигига қарши Страж 50% сус.к. (0,6 л/га), Дифен супер 55% н.кук. (0,25 кг/га), Арамис 380 г/кг с.д.г. (0,8 кг/га), Best Captan 50 WP 50% н.кук. (3,0 кг/га), Trailer 50% с.д.г. (0,15 кг/га), Фундазол 50% н.кук. (2,0 кг/га), Applore 25 EC 25% эм.к. (0,2 л/га) ва Маусеб М-45 WP 80% н.кук. (2,5 кг/га) фунгицидлари қўлланилганда, биологик самарадорлик 89,6% – 92,1% га етганлиги аниқланган.

Ун-шудринг касаллигига қарши курашда Heritage 30% эм.к. (0,3 л/га), Страж 50% сус.к. (0,6 л/га), Дифен супер 55% н.кук. (0,25 кг/га), Арамис 380 г/кг с.д.г. (0,8 кг/га), Trailer 50% с.д.г. (0,15 кг/га), Фундазол 50% н.кук. (2,0 кг/га) ва Applore 25 EC 25% эм.к. (0,2 л/га) фунгицидлари қўлланилганда, нок дарахти баргларида 92,3% ва меваларда 94,5% гача биологик самарадорлик қайд этилган. Монилиоз касаллигига қарши Страж 50% сус.к. (0,6 л/га), Дифен супер 55% н.кук. (0,25 кг/га) ва Applore 25 EC 25% эм.к. (0,2 л/га) фунгицидлари қўлланилганда, нок дарахтининг гул, гулғунча, барг, мева ва новдалари 3,5% – 4,8% зарарланган бўлиб, касалликнинг ривожланиши 1,3% – 1,8% қайд этилган ҳамда фунгицидларнинг биологик самарадорлиги 89,5% – 91,7% ни ташкил этган.


Самарқанд илмий-тажриба станциясида етиштирилаётган нок кўчатлари замбуруғли касалликларига қарши курашда Страж 50% сус.к. (0,6 л/га), Дифен супер 55% н.кук. (0,25 кг/га) фунгицидлар синовдан ўтказилганда, калмараз касаллигида 85,1% – 89,4% ва монилиоз касаллигида 73,2% – 91,2% биологик самарадорликка эришиш имконини берган. Тадқиқотларда нок кўчатлари калмараз касаллиги билан 1,6 – 9,1% ва монилиоз касаллиги билан 2,0 – 12,3% касалланганлиги аниқланган.

Нок боғларининг замбуруғлар кўзгатадиган асосий касалликларига қарши курашда Heritage 30% эм.к. (0,3 л/га), Дифен супер 55% н.кук. (0,25 кг/га), Best Captan 50 WP 50% н.кук. (3,0 кг/га), Фундазол 50% н.кук. (2,0 кг/га) ва Applore 25 EC 25% эм.к. (0,2 л/га) фунгицидлар қўлланилганда, нок боғларидан 36,0 – 45,0 ц/га мева ҳосили касалликлардан сақлаб қолинган.

Диссертациянинг **“Нок боғларида учрайдиган замбуруғли касалликларга қарши курашнинг хўжалик ва иқтисодий самарадорлиги ҳамда ишлаб чиқариш синови натижалари”** деб номланган бешинчи бобида нок боғларида замбуруғли касалликларга қарши қўлланилган турли фунгицидларнинг хўжалик ва иқтисодий самарадорлиги ҳамда касалликларга қарши кураш чораларини фермер хўжаликларида синовдан ўтказиш натижалари ёритилган.

Нок боғларининг замбуруғлар кўзгатадиган асосий касалликларига қарши курашда Heritage 30% эм.к. (0,3 л/га), Дифен супер 55% н.кук. (0,25 кг/га), Best Captan 50 WP 50% н.кук. (3,0 кг/га), Фундазол 50% н.кук. (2,0 кг/га) ва Applore 25 EC 25% эм.к. (0,2 л/га) фунгицидлари қўлланилганда, энг юқори хўжалик ва иқтисодий самарадорлик аниқланган. Натижада, 36,0 – 45,0 ц/га мева ҳосили касалликлардан сақлаб қолиниб, 60,1 – 68,7 млн. сўм соф даромад олинган ва 99,3 – 106,8% рентабелликка эришилган (8-расм).

Нок боғларининг калмараз, ун-шудринг ва монилиоз касалликларига қарши курашда дифеноконазол, дифеноконазол+пропиконазол, дифеноконазол+тиаметоксам, каптан ва беномил асосли фунгицидлар фермер хўжаликларда тажриба ишлаб чиқариш синови олиб борилган. Тадқиқот натижаларига кўра, касалликларга қарши курашда қўлланилган фунгицидларнинг биологик самарадорлиги калмараз касаллигида



8-расм. Нок боғлари касалликларидан ҳимоя қилишда қўлланилган препаратларнинг хўжалик самарадорлиги, (2022 йил).

88,8% – 91,4%, ун-шудринг касаллигида 85,1% – 87,1% ва монилиоиз касаллигида 85,2% – 88,3% ни ташкил этганлиги аниқланган.

ХУЛОСАЛАР

1. Республикамизнинг Тошкент, Жиззах ва Самарқанд вилоятлари шароитида, нок боғларида асосан калмараз (*V. pyrina*), ун-шудринг (*P. leucotricha*) ва монилиоиз (*M. fructigena*) касалликлари зарар келтириши ҳамда *Venturia pyrina*, *Podospaera leucotricha* ва *Monilinia fructigena* замбуруғлари асосий фитопатоген эканлиги аниқланди.

2. Тошкент вилояти шароитида нок боғларида калмараз касаллиги 12,0 – 17,3%, ун-шудринг касаллиги 10,0 – 16,1% ва монилиоиз касаллиги 21,6 – 26,3%, Жиззах вилояти шароитида калмараз касаллиги 14,3 – 21,7%, ун-шудринг касаллиги 13,0 – 16,2% ва монилиоиз касаллиги 22,3 – 27,3% ҳамда Самарқанд вилояти шароитида калмараз касаллиги 10,3 – 37,4%, ун-шудринг 7,3 – 16,7%, ва монилиоиз касаллиги 19,9 – 29,0% гача тарқалиши аниқланди.

3. Республикамиз шароитида экиб келинаётган нокнинг 13 та навлари замбуруғли касалликларга чидамлилиги ўрганилиб, улардан калмараз касаллигига Санта мария (15,7%) ва Ҳосуи (12,7%), ун-шудринг касаллигига Любимица клаппа (8,7%), Дюшес (13,0%) ва Пасскрасана (10,3%) ҳамда монилиоиз касаллигига Ниджиссейки (15,7%) навлари чидамли нав деб топилди.

4. Нок боғларида касаллик қўзғатувчи *V. pyrina* замбуруғи ҳаво ҳарорати 18 – 24⁰С ва *M. fructigena* замбуруғи 22 – 26⁰С бўлганда яхши ривожланиши, лекин ҳарорат 33 – 35⁰С ни ташкил этганда, ушбу замбуруғлар ривожланишдан тўхташи қайд этилган.

5. Нок дарахтининг замбуруғли касалликлар билан зарарланган барг, новда ва мевалари тупроқ остида 30 см чуқурликда 100 кун давомида сақланганда, барг ва меваларда *V. pyrina* ва *M. fructigena* замбуруғлари нобуд бўлган бўлса, лекин новдаларида монилиоз касаллигини қўзғатувчи замбуруғлар мицелий ва спораларини сақланиб қолиши кузатилди.

6. Касаллик қўзғатувчи фитопатогенларни турли асосли 7 хил фунгицидлар муҳитида яшовчанлиги ўрганилганда, каламараз касаллигини қўзғатувчи (*V. pyrina*) замбуруғ дифеноконазол + тиаметоксам (0,2 кг/га), беномил (2,0 кг/га) ва дифеноконазол (0,2 л/га) ва монилиоз касаллигини қўзғатувчи (*M. fructigena*) замбуруғ дифеноконазол+тиаметоксам (0,2 кг/га), каптан (3,0 кг/га) ва дифеноконазол (0,2 л/га) фунгицидларида мицелий ва спораларининг ривожланмаслиги қайд этилди.

7. Нок дарахтининг замбуруғли касалликлар билан касалланган барг ва новдаларида соғлом дарахтлардагига нисбатан макроэлементлардан К – 870,37 мг/кг, Са – 3950,22 мг/кг ва Na – 1079,58 мг/кг камайган бўлса, микроэлементлардан Fe – 31,3, Zn – 4,8, Mn – 64,0 ва Cu – 5,3 баробар йўқотилгани ва нокнинг метоболик жараёнлари ёмонлашиши кузатилди.

8. Нок дарахтининг калмараз ва монилиоз билан касалланиши натижасида, баргларда хлорофилл-а пигменти 1,024 мг/г ва хлорофилл-в пигменти 2,65 мг/г камайиши аниқланган.

9. Нок боғлари қатор ораларини кузда 30 см чуқурликда шудгор қилиш, дарахтларга эрта баҳорда шакл бериш ва минерал ўғитлар билан N₁₂₀P₆₀K₄₀ меъёрида озиклантириш, калмараз касаллигини – 14,7%, ун-шудринг касаллигини – 20,3% ва монилиоз касаллигини – 21,7% камайишига олиб келган. Шунингдек, юқоридаги агротехник тадбирларни сифатли ва ўз вақтида ўтказиш натижасида нок боғларида 34,0 ц/га мева ҳосили сақлаб қолинган.

10. Нок боғларининг калмараз, ун-шудринг ва монилиоз касалликларига қарши кимёвий курашда дифеноконазол + пропиконазол, ципродинил, дифеноконазол + тиаметоксам, боскалид + пираклостробин, каптан, беномил, дифеноконазол асосли фунгицидлар қўлланилганда, биологик самарадорлик калмараз касаллигида 92,1%, ун-шудринг касаллигида 94,5% ва монилиоз касаллигида 91,7% гача етган.

11. Нок боғларининг замбуруғлар қўзғатадиган асосий касалликларига қарши курашда Heritage 30% эм.к. (0,3 л/га), Дифен супер 55% н.кук. (0,25 кг/га), Best Captan 50 WP 50% н.кук. (3,0 кг/га), Фундазол 50% н.кук. (2,0 кг/га) ва Applore 25 EC 25% эм.к. (0,2 л/га) фунгицидлар қўлланилганда, гектаридан 36,0 – 45,0 ц мева ҳосили сақлаб қолиниб, 60,1 – 68,7 млн. сўм соф даромад олинган ва 99,3 – 106,8% рентабелликка эришилган.

12. Республикамизнинг Тошкент, Жиззах ва Самарқанд вилоятлари шароитида нок боғларида калмараз, ун-шудринг ва монилиоз касалликлари

зарарини камайтириш, юқори ва сифатли мева ҳосили олиш мақсадида:

янги нок боғларни ташкил этишда касалликларга чидамли Санта мария, Ҳосуи, Любимица клаппа, Дюшес, Пасскрасана ва Ниджиссейки навларини экиш;

кузда боғ қатор ораларини 30 см чуқурликда шудгор қилиш, дарахтларга эрта баҳорда шакл бериш ва минерал ўғитлар билан $N_{120}P_{60}K_{40}$ меъёрида озиклантириш, тиним даврида профилактик тадбир сифатида Бордо 3% суюқлиги билан ишлов бериш;

калмараз касаллигига қарши Дифен супер 55% н.кук. (0,25 кг/га), Best Captan 50 WP 50% н.кук. (3,0 кг/га), Фундазол 50% н.кук. (2,0 кг/га) ва Applore 25 EC 25% эм.к.(0,2 л/га); ун-шудринг касаллигига қарши Heritage 30% эм.к. (0,3 л/га), Дифен супер 55% н.кук. (0,25 кг/га), Applore 25 EC 25% эм.к. (0,2 л/га) ва Trailer 50% с.д.г. (0,15 кг/га); монилюоз касаллигига қарши Страж 50% сус.к. (0,6 л/га), Арамис 380 г/кг с.д.г. (0,8 кг/га) ва Applore 25 EC 25% эм.к. (0,2 л/га) фунгицидлари билан ишлов бериш тавсия этилади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ СЕЛЕКЦИИ,
СЕМЕНОВОДСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ ХЛОПКА**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ САДОВОДСТВА,
ВИНОГРАДСТВА И ВИНОДЕЛИЯ ИМЕНИ АКАДЕМИКА
МАХМУДА МИРЗАЕВА**

ПУЛАТОВ АЗИЗЖОН АЛЛАЁР УГЛИ

**РАЗРАБОТКА МЕР БОРЬБЫ С ВОЗБУДИТЕЛЯМИ ГРИБКОВЫХ
БОЛЕЗНЕЙ В ГРУШЕВЫХ САДАХ**

06.01.09 – Защита растений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2024

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за номером B2023.3.PhD/Qx1219

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте садоводства, виноградарства и виноделия имени академика Махмуда Мирзаева (НИИСВВ им. акад. М. Мирзаева).

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета по адресу www.psuyaiti.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.

Научный руководитель:	Умаров Зафар Абдишукурович, доктор философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам, старший научный сотрудник.
Официальные оппоненты:	Шукуров Хушвакт Мамасалиевич, доктор сельскохозяйственных наук, профессор. Хужаев Отабек Темирович, кандидат сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник.
Ведущая организация:	Научно-исследовательском институте карантина и защиты растений.

Защита диссертации состоится «__» _____ 2024 года в ____ часов на заседании разового Научного совета DSc. 05/30.12.2019.Qx.42.01. при Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка по адресу: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул. УзПИТИ, НИИССАВХ Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: rahtaуз@mail.ru.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (зарегистрирована № ____). Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул. УзПИТИ, НИИССАВХ Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: rahtaуз@mail.ru.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2024 года.
(реестр протокола рассылки ____ от «__» _____ 2024 года).

Ш.Н.Нурматов
Председатель научного совета
по присуждению учёных
степеней, д.с.х.н., профессор

Ф.М.Хасанова
Учёный секретарь научного
совета по присуждению учёных
степеней, к.с.х.н., профессор

Ж.Х.Ахмедов
Председатель научного
семинара при научном совете
по присуждению учёных
степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В последние годы в связи с ростом населения мира спрос на продукты питания, особенно на сельскохозяйственную продукцию, увеличивается из года в год. В результате выращивания различных сельскохозяйственных культур, увеличение их масштабов и постоянные поставки фруктов и овощей стали важным требованием сегодняшнего времени. По данным ФАО, сегодня в мире насчитывается 1,42 млн га площадей груши, в год выращено в среднем 26,3 млн тонн груш¹. На этих грушевых плантациях грибковые болезни наносят большой экономический ущерб, возрастает негативное влияние на качество и количество урожая. На сегодняшний день для предотвращения поражения болезнями грушевых садов с учетом их распространения и развития важно использовать передовые ресурсосберегающие методы борьбы с ними.

Во многих странах мира, возделывающие грушу широко распространены преимущественно такие болезни, как парша (*Venturia pyrina*), мучнистая роса (*Podosphaera leucotricha*) и монилиоз (*Monilinia fructigena*), и возникает необходимость разработки своевременных мер борьбы с этими болезнями. В связи с этим, во многих странах проводятся научные исследования по выявлению основных грибковых болезней грушевых садов, изучению их распространения, развития и биоэкологических особенностей, а также по разработке мер борьбы. Является актуальным проведение исследования по разработке эффективных мер борьбы с такими болезнями, как парша (*V. pyrina*), мучнистая роса (*P. leucotricha*) и монилиоз (*M. fructigena*), вызывающие комплексный ущерб в грушевых садах.

В Указах Президента Республики Узбекистан №ПФ-5853 от 23 октября 2019 года «Об утверждении Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы» и №ПФ-60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы» разработаны стратегия развития сельского хозяйства². Эти стратегии включают защиту сельскохозяйственных культур от болезней и вредителей, адаптацию национальной системы карантина и защиты растений к требованиям Соглашения по санитарным и фитосанитарным мерам Всемирной торговой организации; в соответствии с международной конвенцией о защите растений и другими международными стандартами определены такие задачи, как регистрация пестицидов и предельно допустимых их количество (MRL).

Настоящее диссертационное исследование служит в определенной степени реализации задач, определенных в Указах Президента Республики Узбекистан № ПФ-60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития нового

